



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy  
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,  
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2016-й.г «16» июл

№ 2320-г

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

“Ўртақишлоқ” ҚФЙ Минглар қишлоғидан  
фуқаро Ҳасанов Шухратга “Савдо дўқони”  
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, қарорни ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 18 июндаги 03/3-352-сонли, 1-сонли баённомасига асосан, фуқаро Ҳасанов Шухратнинг танлов ғолиби деб эътироф этилган баённомани, Давархитектқурилиш кўмитасининг Регламентига асосан “Савдо дўқони” объектини жойлаштириш бўйича “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖдан олинган 2016 йил 8 январдаги 01-16/9-736-сонли ижобий хулосани, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 3-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 18 июндаги 03/3-352-сонли, № 1-сонли баённомаси, Давархитектқурилиш кўмитасининг Регламентига асосан “Савдо дўқони” объектни жойлаштириш бўйича “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖдан олинган 2016 йил 8 январдаги 01-16/9-736-сонли ижобий хулоса, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 3-сонли далолатномаси маълумот учун қабул қилинсин
2. Ўртақишлоқ ҚФЙ Минглар қишлоғи ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман хокимлиги захирасидаги ер майдонидан фуқаро Ҳасанов Шухратга “Савдо дўқони” қуриш учун 45,0 (қирқ беш) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Ҳасанов Шухратга ажратилган ер майдонида “Савдо дўқони” қуриш бўйича белгиланган тартибда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасидан давлат экологик экспертиза хулоса олиш, лойиха олди ва лойиха ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Ҳалилов)га туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, “Савдо дўқони”ни лойиха асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими

Ш.Негматов